

Маргариннинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси ҳамда рақобат муҳити тўғрисида МАЪЛУМОТ

Рақобат қўмитаси томонидан ТИФ ТН коди 1517 остидаги **маргарин** товар бозоридаги рақобат муҳитини таҳлил қилиш ҳамда ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш бўйича ўрганилди.

Ўрганиш Миллий статистика қўмитасининг 2023 йил учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлар базаси ҳамда Божхона қўмитасининг импорт ва экспорт маълумотларига асосан ўтказилди.

I. Маргариннинг импорт ва экспорт ҳолати.

2023 йилда **147 та** корхона томонидан **23 та** давлатдан қиймати **84,7 млн АҚШ долларига** тенг бўлган **53 минг тн** маргарин **импорт** қилинган. Импорт қилинган маҳсулотларнинг **68 фоизи** – **Россия**, **9 фоизи** – **Қозоғистон**, **23 фоизи** эса бошқа **21 та** давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Импортнинг концентрация даражаси ўрганилганда энг йирик **5 та** импорт қилувчи корхона ҳиссасига жами импортнинг **28 фоизи** тўғри келган. Шунингдек, импорт асосида олиб келинган маргариннинг **ўртача нархи 1 тн** учун **1,6 минг долларга** тўғри келган.

2023 йилда **30 та** корхона томонидан **7 та** мамлакатга қиймати **3,7 млн АҚШ долларига** тенг бўлган **4,8 минг тн** маргарин **экспорт** қилинган. Экспорт қилинган маҳсулотларнинг асосий қисми Туркменистон (79 фоиз) ҳиссасига тўғри келиб, ўртача нархи **1 тн** учун **756 долларни** ташкил этган.

II. Ички бозордаги рақобат ҳолати.

Таҳлиллар доирасида маргарин ишлаб чиқариш бозоридаги рақобат ҳолати халқаро тан олинган **ННІ (Херфиндал-Хиршман индекси)** орқали баҳоланди.

Миллий статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, 2023 йилда **35 та** хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маргарин ишлаб чиқарилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар сони ва ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлари асосида **ННІ** ҳисобланганда, индекс натижаси **1 533 пунктга** тенг бўлганлиги ва ушбу товар бозорида рақобат муҳити ривожланганлиги аниқланди.

*Маълумот учун: **ННІ (Херфиндал-Хиршман индекси)** бозордаги рақобат муҳитини баҳолаш ва концентрация даражасини аниқлаш учун фойдаланилади. Унга кўра, **ННІ** кўрсаткич **0 дан 1500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити ривожланган**, **1500 дан 2500***

пунктгача бўлганда **рақобат муҳити етарлича ривожланмаган**, 2500 дан 10 000 пунктгача бўлганда бозор **юқори даражада монополлашган** ҳисобланади.

Шунингдек, ички бозорда маргарин ишлаб чиқариш бозорининг **CR3** кўрсаткичи **60 фоиз**га тенг бўлган.

CR3 кўрсаткичи - бозордаги энг йирик **3 та** корхонанинг бозор улушлари йиғиндисига тенг.

III. Ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси.

Миллий статистика қўмитаси ва Божхона қўмитасининг 2023 йил бўйича расмий статистика маълумотларига асосан ички бозорда ТИФ ТН коди 1517 остидаги маргаринларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси аниқланди.

Маълумот учун, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорида белгиланган тартибда ҳисобланди.

2023 йил давомида мамлакатимизда қиймати 775 млрд сўмлик **50 минг тн** маргарин ишлаб чиқарилган.

Мазкур маълумотлар асосида маргариннинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлик даражаси 2023 йилда **51,1 фоиз**ни ташкил этганлиги аниқланди.

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорига асосан товар бозори ҳажмида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўйинган ҳисобланади ва мазкур улуш ушбу кўрсаткичдан кам бўлганда товар билан тўйинмаган ҳисобланади.

Республикада ишлаб чиқарилган маргаринларнинг ўртача нархи **1 тн** учун ўртача **756 долларга** тўғри келган.

IV. Хулоса.

ТИФ ТН коди 1517 остидаги маргарин бозорининг тўйинганлик даражаси **51,1 фоиз**ни ташкил этиши ҳамда ички бозорда мазкур маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги сабабли, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича **мавжуд қувватларни кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**